

2019-2020 ўқув йили учун оширилган тўлов-контракт миқдори белгиланди



Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги супер-контрактлар ҳақида қўшимча расмий маълумотларни маълум қилди.

Ўқишдан йиқилиб, контрактнинг кириш чизиғига 4 баллдан ортиқ етмаган ҳамда 56,7 баллдан кўп балл тўплаган абитуриентлар учун супер-контрактнинг минимал миқдорлари тасдиқланди.

Жорий йилда абитуриентлар учун супер-контракт тўлашда қуйидаги енгилликлар берилади:

- супер-контракт миқдорлари стипендиясиз базавий тўлов-контракт миқдорларига нисбатан ҳисобланади (яъни нархлар арзонлашади);
- супер-контрактни йил давомида иккига бўлиб ёки ҳаттоки ойларга бўлиб тўлаш имконияти ҳам берилади;
- бунда супер-контракт миқдорини ойларга бўлиб тўланганда ҳам, ўқув йилининг биринчи ярми учун камида 50 фоизи жорий йилнинг 1 ноябридан ҳамда иккинчи ярми учун 2020 йилнинг 1 мартдан кечиктирмай тўланиши лозим;
- юқоридаги қоидалар кириш чизиғига 4 баллгача етмаган абитуриентлар учун ҳам амал қилади.



Маълумот учун, кириш чизиғига 4 баллгача етмаганлар супер-контрактни қуйидаги миқдорда тўлашади:

- 1 баллгача етмаган абитуриентлар учун - 1,5 баробар;
- 1 баллдан 2 баллгача етмаганлар учун - 2,0 баробар;
- 1 баллдан 3 баллгача етмаганлар учун - 2,5 баробар;
- 1 баллдан 4 баллгача етмаганлар учун - 3,0 баробар.

Супер-контракт нархлари

Тўплаган бали кириш чизиғига 4 баллдан ортиқ етмаган, лекин 56,7 дан кўп ҳамда кам балл тўплаган абитуриентлар учун супер-контракт миқдорлари тасдиқланди. Миқдорлар ўтган йилгидан деярли ўзгармаган.

Тиббиёт йўналишиники — Тўплаган бали кириш чизиғига 4 баллдан ортиқ етмаган, лекин 56,7 дан кўп балл тўплаган абитуриентлар учун супер-контракт миқдорлари 20 баробар, яъни 170 млн 649 минг сўм, 56,7 дан кам балл тўплаган абитуриентлар учун супер-контракт миқдорлари 341 млн 298 минг сўмни ташкил этади.